Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!

10-МАКТАБ ТУМАНДАГИ ЭНГ НАМУНАЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. УШБУ БИЛИМ МАСКАНИДА ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ БЎЛГАН 93 НАФАР ПЕДАГОГ 1444 НАФАР ЎҚУВЧИГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИБ КЕЛМОҚДА. ИСРОИЛЖОН ЖЎРАЕВ, СОҲИБАХОН КЕНЖАЕВА, ШАҲНОЗАХОН ЗОКИРОВА, ЗАМИРАХОН ҲАБИБЖОНОВА СИНГАРИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ 2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИДА МАКТАБ ОСТОНАСИГА ИЛК ҚАДАМ ҚЎЙГАН 135 НАФАР ЖАЖЖИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРГА ИЛМ СИРЛАРИНИ ЎРГАТА БОШЛАДИЛАР. ЗАМИРАХОН ТУСМАТОВА (СУРАТДА) 32 ЙИЛДАН БУЁН МАКТАБДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ. БУ ЙИЛ 2 - “Е” СИНФИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ОЛИЙ ТОИФАЛИ МУАЛЛИМА ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА 300 ГА ЯҚИН ЎҚУВЧИГА ҲАРФ ТАНИТГАН, ИЛК САБОҚНИ БЕРГАН. ЗАМИРАХОН МАКТАБДА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ЎНЛАБ ШОГИРДЛАРИГА ЎҚИТУВЧИЛИКНИНГ СИР-АСРОРЛАРИНИ ҲАМ ЎРГАТМОҚДА.

2020-09-25 12:32:13